





Ироқда оммавий қирғин қуроллари бормиди? Бугун бу савол барчани қизиқтирмакда. АҚШ раҳбарлигидаги коалицион кучлар Ироққа киргандан буён ўтган тўққиз ой мобайнида бундай қуроллар топилмади. Ўтган ҳафта эса, АҚШнинг қуролланиш бўйича бош инспектори Дэвид Кэй Ироқда оммавий қирғин қурол-

лари йўқ бўлиши мумкин, деган фикрни билдирди ва истеъфога чиқди. Унинг бу ҳаракати катта шов-шувга сабаб бўлди. Чунки шу йил охирида Америкада президент сайловлари бўлиб ўтади. Президент Бушнинг мухолифлари эса бу вазиятдан фойдаланиб қолишга уринишмоқда.

ведкасининг ахборот йиғиш соҳасидаги келгуси ишлари ҳам ёрдам берилган мустақил ва ҳолис комиссия тузиш тарафдори эканлигини таъкидлаган. АҚШ президенти ёрдамчиси Кондолиза Райс

териологик қуроллар ишлаб чиқарилаётгани асосий сабаб бўлмаганини таъкидлади. Унинг гапига қараганда, Саддам Хусайн нафақат минтақадаги, балки бутун жаҳонда хавфли одам саналади. Урушдан асосий

Шунинг ўзиёқ бу режимга қарши бошланган урушни оқлашга асос бўлади. Бундан ташқари, Ироқда оммавий қирғин қуролларини излаш давом этмоқда. Оқ уй маъмурияти ҳали ҳам бундай қуроллар топилишига умид билдирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бунга асос бор. Ироқда оммавий қирғин қуроллари бўлмаса, Саддам Хусайн ҳукумати нима учун узоқ вақт БМТ инспекторларининг мамлакатга киришига ва текширув олиб боришига қаршилик қилди, дейишмоқда улар.

Б. УММАТОВ

Авиакатновлар тўхтатилди

British Airways компанияси уюштирилиши мумкин бўлган террорчиликнинг олдини олиш мақсадида охириги икки кун ичида трансатлантик йўналишда қатнайдиган яна тўрт самолёт қатновини вақтинчалик тўхтатди. Британия авиакатновлари уюшувчилари ҳукуматдан олинган махфий маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириб қўришни талаб қилмоқдалар. АҚШ махсус хизматидан олинган сўнгги маълумотга кўра, трансатлантик йўналишлари бўйича самолётлар қатновини тўхтатиш шарт эмас. Буюк Британия ҳукумати эса «Ал-Қоъда» томонидан қўйилган террорчилик таҳдидини халқаро авиакатновларга қаратилиши мумкин деб тахмин қилмоқда.

Мухолифатчилар олимни ҳимоя қилишмоқда

Покистондаги мухолифатчилар мамлакат атом бомбаси кашфиётичи Абдул Кодир Хонни ҳимоя қилмоқдалар. Улар Кодир Хоннинг истеъфога чиқиши мамлакат суверенитетига катта зарба бўлади, деб ҳисоблашмоқда. Эслатиб ўтамиз: Покистон атом бомбасининг «отаси» — Абдул Кодир Хон тадқиқотлар билан боғлиқ махфий маълумотларни Эрон ва Сурияга сотганлиқда айбланмоқда.



Сент-Клердаги ҳодиса

Associated Press ахборот агентлигининг хабар беришича, Канададаги Сент-Клер дарёсига 150 минг литр зарарли кимёвий модда куйилиб кетди. Мамлакат Экология вазирлиги зудлик билан маҳаллий аҳолини дарё сувидан фойдаланмасликка чақирди. Маҳаллий ҳукумат ҳозирча дарё суви тазаланганини тугаланиши ҳақида бирор нарса дегани йўқ.

Тажриба ҳақида кўрсатув

Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, Би-Би-Си корпорацияси Шимолий Кореяда кимёвий қурол одамларда синаб қўйлаётганини тасвирловчи кўрсатув тайёрлаётганлар. Шимолий Кореядан олинган расмий маълумотлар асосида тайёрланган ушбу кўрсатув кимёвий қурол сибсий маҳбуслар ва икки болага нисбатан қўлланилганини очиқ-ойдин ҳикоя қилади. Шимолий Корея собиқ ҳарбий атташесининг суратга олиш гуруҳига айтишича, у қамоқхонада ўтказилган тажрибада гувоҳ сифатида қатнашган. Синов пайтида олимлар ўзлари яратган кимёвий қуролнинг қанчалик таъсирга эга эканлигини ойна ортидан кузатиб турганлар. Ушбу кўрсатув тез орада Би-Би-Сининг телеканаллари орқали намойиш этилиши кутилмоқда.

Комиссия тузилади

лумотларини текшириш бўйича мустақил комиссия тузишга рози бўлди. Комиссия ҳулосаси келгуси йил бошида эълон қилинади. Би-Би-Си муҳбирининг таъкидлашича, комиссия ҳулосасининг

журналистлар билан учрашиб, Ироқда оммавий қирғин қуроллари шу пайтгача топилмаганини ва топилмаслиги ҳам мумкинлигини тан олди. Аммо у Ироққа қарши урушда кимёвий ва бак-


мақсад унинг режимини ағдарishi эди. Саддам Хусайннинг ким бўлганини бугун кўпчилик яхши билади. У ҳукмронлик қилган даврда миллионлаб беғуноқ одамлар қурбон бўлди.

ОЛАМ НАФАСИ Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Хасталик илдизи қаерда?

Дунёда сўнгги 20-30 йил ичида инсон учун хавфли бир неча касаллик пайдо бўлди. ОИТС, Эбол безгаги, гайриоддий зотилжам(SARS) ана шулар жумласидандир. Мутахассислар ҳали ҳам бу касалликлар қандай вужудга келганини аниқлаш ва уларни самарали даволаш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Олимлар яқинда энг «ёш» вирус — гайриоддий зотилжамнинг ўзгаришидаги босқичларни ўрганиб чиқишди. Маълумки, мазкур вирус илгари фақат хайвонларда учради. Кейинчалик у ўзгариб, одамзод учун хавфли касалликка айланди. Чикаго университети олимлари 60дан зиёд SARS вирусини ўрганиб, унинг одам ҳаётига хавф солувчи касалликка айланиши уч босқичда давом этишини аниқлашган.

ҳақидаги мақолада ҳам гайриоддий зотилжам илгари фақат хайвонларда учрайдиган вирус бўлганига, кейинчалик одамларга ўтгани таъкидланган. Лекин олимлар вирус, айнан қайси хайвондан юқганини аниқлаш олмаган. Маълумотларга қараганда, вирус ривожланишининг дастлабки босқичи, яъни 2002 йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Гуандун музофотида гайриоддий зотилжам касаллиги одамлар ичида 11 марта қайд этилган. Олимларнинг таъкидлашларича, бу



ерда экзотик хайвонлар гўшtidан таомлар тайёрлашнинг одат тусига кирган. 11 нафар касалланганларнинг 6 нафари ёввойи хайвонлар билан мулоқотда бўлган экан. Тадқиқотчиларнинг айтишича, вирус ривожланиши иккинчи босқичга ўтганида одамдан одамга юқа бошлайди. Айнан шу босқичда, яъни 2003 йилнинг январь ойида SARSнинг одамлар ичида тез тарқалиши кузатилган. Ушанда 130 кишида вирус аниқланган. Беморларни даволаётган шифокор вирусни Гонконгдаги Metropole меҳмонхонасига келтирган. Кейинчалик у меҳмонхонада яшовчиларга ўтган. Улар вирусни қарийб бутун дунё бўйлаб тарқатишган. Гайриоддий зотилжам хасталигини муҳокама қилиш учун Лондонда йиғилган халқаро экспертлар сўнгги пайтларда турли хил эпидемиологик касалликлар тарқалиши илгаридан кўпроқ учраётганини қайд этишди.

Йиғилишда 1975 йилдан буён 30дан зиёд янги касаллик пайдо бўлгани ва қатъий чоралар қўрилмаса, келажақда тахминан яна шунча вирус пайдо бўлиши таъкидланди. Профессор Мак Майлнинг маълум қилишича, кўпчилик касалликлар одамнинг хайвонлар билан мулоқоти кенгайгани туфайли пайдо бўлди. Унинг тахминига кўра, ОИТС одамлар Жанубий Африка ўрмонларида даракларни қирқиш учун келишиб, шимпанзе, маймуларни гўшtlарини истеъмо қилиши сабабли вужудга келган.

SARSни аниқлашда биринчилардан бўлиб иштирок этган Гонконг университети профессори Малик Пейрис хайвонлардан одамга ўтадиган вирусларни мониторинг қилиш зарурлигини таъкидлади. Олимларнинг фикрича, баъзи вируслар хайвонларда учрагани билан уларда касаллик туғдирмайди. Шунинг учун бу вирусларни ветеринар текширувлар орқали аниқлаш қийин.

Пейриснинг айтишича, дунё ҳамжамияти SARSга қарши курашни глобал даражага кўтариб, унинг кенг тарқалишининг олдини олди, аммо SARS инсоният кураш олиб борадиган охириги вирус эмас. Шунинг учун келажақда саломатлик масаласига кенг миқёсда эътибор бериш зарур. Гуанчжоулик тиббиёт профессори Нан Шан Жоннинг таъкидлашича, гайриоддий зотилжам вирусини ва Хитойда тансиқ таом хисобланадиган вивера мушуклари гўшти ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиши мумкин. Сўнгги ҳафтада Хитой ҳукумати кўрсатмасига биноан минглаб вивера мушуклари йўқ қилинди ва уларнинг гўшти сотувда тақиқланди. Шунингдек, кулранг итлар ва бошқа бир неча турдаги хайвонлар ҳам қириб ташланди. Яқин кунларда бу чоралар қандай самара берганлиги маълум бўлади.

Салим ДОНИЁРОВ.

Карнаваллар ойи

Байрамларни хуш кўрадиган Европа қитъаси февраль ойида айниқса жонланади. Чунки айнан шу ойда қитъанинг турли шаҳарларида кўплаб карнавал ва фестиваллар ўтказилади. Бу байрамларнинг кўпи асосан, табиат уйғониши ва баҳор келиши билан боғлиқ бўлади.

1-29 февраль кунлари Тулузда энг гузал байрамлардан бири — бинафша гуллар байрами ўтказилади. Бир ой давомида гулларга ошно қалблар бутун дунёдан келтирилган бинафшаларнинг турли хилларини томоша қилиб, завқ олишлари мумкин. Берлинда ўтадиган кинофестивалнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Berlinale-2004 кинофестивали 5-15 февраль кунлари бўлиб ўтади. Шу билан бирга 6-8 февраль кунлари бу шаҳарда кантри-фестиваль ҳам режалаштирилган. Байрам кунлари Fontainebleauда кантри мусикаси янграйди. Концертга турли мамлакатлардан 94 гуруҳ тақлиф этилган. Концерт давомида мавзуга оид кўргазмалар ҳам ўтказилиши кутилмоқда.

дерландиянинг Делфт шаҳрида Африка маданияти фестивали бўлиб ўтади. Одатдагидай рақс ва мусикадан ташқари, фестивалда замонавий Африка театри. Улардан шаҳар чиройини томоша қилса бўлади. Бу байрам Моно шаҳрида муҳаббат ҳақидаги фильмлар фестивали билан давом этади. 14-21 февраль.

Бундай дунёга машҳур Венеция карнавали 6-24 февраль режалаштирилган. Бу йилги карнавал мавзуси Шарқ санъатига бағишлангани учун, у бетакор бўлиши кутилмоқда. Фестиваль ёпилиши энг қизиқарили томошалардан бири бўлади. Чунки айнан ўша кун Хиндистон, Хитой, Япония, Таиланд ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган барча актёр, раққос ва мусикачилар Сан-Марко майдонида йиғилдилар. Яна беш кундан сўнг Ни-

ри намойиш этилади. Шу ой ўрталарида Йорк шаҳри ўзининг тарихий кўринишига қайтади. Бу ерда Викинглар фестивали режалаштирилган. Йорк дўконларидан эсдалик учун викингларнинг қилич ва шохли совутларини сотиб оلسа бўлади. 14 февралда эса Лондонда кўпчиликнинг сеvimли байрами — Авлиё Валентин кунини муносабати билан кўпгина сувда сузиб юрвчи қатор рестороанлар Темза бўйлаб саёхатга жўнай-

га мўлжалланган фестивалда нафақат дунёда шов-шувга сабаб бўлган премьералар, балки болалар учун махсус фильмлар ҳам намойиш этилади. Поросса аънаваный ярмарка бу йил 17-21 февраль кунлари ташкил этилаётган бўлди. Ешү қари кечяо кундуз куйлаб, хушчаққлик қилишдаи ва от минишдаи бу борада. Германияликлар 19-24 февраль кунлари Кёльнда бўлиб ўтадиган байрамни интиқиб кутишмоқда. Уни

Хуришд РАУПОВ.



Совуқни енгиб

Хозир Европанинг деярли барча мамлакатларини қалин қор қоплаган. Қитъада совуқ ҳам авжига чиққан. Аммо бу қалин қор ва этни жунжиктирувчи совуқ венгриялик машҳур спортчи Дьердю Шилиллега Дунай дарёсининг у қирғогидан бу қирғогигача сузиб ўтишига тўсқинлик қила олмади. Спортчи ўз ғалабасини мамлакатининг яқинда Европа Иттифоқига қўшилишига бағишлади.

Болалар ва уяли телефон

Немис социологларининг тадқиқотларига қараганда, германиялик болалар ўртача 9 — 10 ёшидан бошлаб уяли телефонлардан фойдаланади. 11 — 12 ёшли ўсмирларнинг тенг ярми, 13 — 22 ёшлиларнинг эса 84 фоизиди шундай алоқа воситаси бор.

Уяли телефон қулайлиги билан бирга, бир қанча муаммоларни, биринчи навбатда иқтисодий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Тадқиқотлар шуни қўрсатдики, болалар 13 ёшгача тежамкор бўлишади. Улар 15 евролик телефон картасини уч ойга етказишади. Катта ёшдаги ўсмирларга эса бу карталар беш ҳафтага ҳам чидаш бермайди.

Д. ЭГМАҚУЛОВА тайёрлади.

UZMASOM GSM Азиз ватандошлар! «ЎЗМАКОМ» кўшма корхонаси жамоаси сизларни Ийд Аль-Адҳа — ҚУРБОН ҲАЙИТИ байрами билан қутлайди! Барчангизнинг хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва ўқмак зафарлар тилайди!





